

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**285 Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низом-ни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 февралдаги ПҚ-1487-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ; ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ҳамда кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган Намунавий низом асосида идоравий мансуб ахборот-кутубхона муассасаларининг кутубхона фондлари таркиби ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда улар таркибида фаолият кўрсатувчи электрон кутубхона тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ҳамда кутубхоналарда ушбу қарор билан тасдиқланган тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 5 июль,  
198-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 5 июлдаги 198-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Электрон кутубхона тўғрисида** **НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Намунавий низоми ахборот-кутубхона муассасалари электрон кутубхонасининг вазифаси ва ташкилий асосини белгилайди.

2. Электрон кутубхона ахборот-кутубхона муассасаси таркибда фаолият кўрсатади.

3. Электрон кутубхона электрон шаклда тақдим этилган, кўп фойдаланиладиган тарзда тақсимланган турли ахборот-кутубхона ресурсларини тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширади.

4. Электрон кутубхонадан фойдаланиш қоидалари ахборот-кутубхона муассасаси раҳбари томонидан белгиланади.

### **II. Электрон кутубхонанинг вазифалари ва функциялари**

5. Электрон кутубхонанинг асосий вазифалари:

китобхонларга тақдим этиш қийин бўлган ёки чекланган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

фақат электрон шаклда мавжуд бўлган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

катта ҳажмли ахборот билан ишлашда фойдаланувчиларга шарт-шароитлар яратиш;

хизмат кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, фойдаланувчиларга электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини тақдим этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари хизматлари рўйхатини кенгайтириш;

кутубхона технологияларини модернизация қилиш;

электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини жаҳон ахборот маконига интеграциялаш;

электрон ахборот-кутубхона ресурсларини узоқ муддат сақлаш.

6. Электрон кутубхонанинг асосий функциялари:

маълумотлар базасини яратиш учун маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;

тўлиқ матнли ҳужжатларни кўчиришнинг кенгайтирилган имкониятлари билан биргаликда излашнинг кучли тизимини яратиш;

ахборот-кутубхона ресурсини электрон шаклда рақамлаш;

ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон шакли ҳолатини ахборот ва телекоммуникация технологияларидаги ўзгаришларга мослаштиришни таъминлаш;

бошқа ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон кутубхоналари тармоғига уланишини таъминлаш;

ходимлар ва фойдаланувчиларни электрон кутубхоналардан фойдаланиш қоидаларига ўқитиш.

### **III. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона фондини шакллантириш**

7. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона фонди қуйидагилар ҳисобига тўлдирилади:

харид қилиш (китоб савдоси ташкилотлари, нашриётлар ва электрон нашрлар ва ҳужжатларни етказиб берувчи ташкилотлар, шу жумладан тижорат ташкилотлари орқали ҳамда ахборот ресурсларига эга бўлган хусусий шахслардан);

обуна бўлиш (даврий нашрларни тарқатадиган ташкилотлар орқали);

айирбошлаш (халқаро ва кутубхоналараро китоб айирбошлаш йўли билан);

бепул олиш, шу жумладан нашрлар ва бошқа ахборот-кутубхона ресурсларини ҳада сифатида қабул қилиш (ўзининг электрон ахборот-кутубхона ресурслари, таълим муассасаларининг факультетлари, кафедралари ва бошқа бўлинмалари материаллари).

8. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона фонди қуйидагиларни ўз ичига олади:

ахборот-кутубхона муассасаси фондлида мавжуд бўлган барча ахборот-кутубхона ресурслари тўғрисида ахборот мавжуд бўлган электрон каталог;

электрон нашрлар ва ҳужжатларни етказиб берувчи турли ташкилотлардан олинган электрон нашрлар ва ҳужжатлар;

ахборот-кутубхона маълумотлар базаси;

дарсликлар ва ўқув қўлланмалари;

даврий нашрлар;

босма нашрларнинг электрон версиялари, шу жумладан ахборот-кутубхона муассасаси нашрларининг электрон версиялари;

ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш жараёнида ахборот-кутубхона муассасаси томонидан ташкил этиладиган ижтимоий-иқти-

содий, илмий-таълим, маданий-тарихий ва ўқув хусусиятига эга бўлган электрон ахборот-кутубхона ресурслари.

#### **IV. Электрон ахборот-кутубхона ресурсларини тайёрлаш ва қайта ишлашга қўйиладиган умумий талаблар**

9. Электрон ахборот-кутубхона ресурслари ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида махсус ваколатли давлат органи томонидан тавсия этилган форматларга мувофиқ тайёрланиши ва архивлаштирилиши керак.

10. Электрон ахборот-кутубхона ресурслари исталган электрон манбаларда қабул қилинади. Интернет (Интранет) тармоғида электрон ахборот-кутубхона ресурси жойлашганлигини кўрсатувчи ҳаволани (тармоқли манзил) келтиришга йўл қўйилади.

11. Электрон ахборот-кутубхона ресурслари манбалари ва ресурсларнинг ўзи компьютер вирусларидан холи бўлиши керак.

12. Электрон ахборот-кутубхона ресурсларини электрон кутубхонага узатиш илова қилинадиган ҳужжат асосида ахборот-кутубхона муассасасининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

13. Электрон ахборот ресурслари ва электрон кутубхонага қабул қилинган материаллар ахборот, кутубхона ва нашриёт иши бўйича стандартлар тизимига (АКНИСТ) ҳамда O'z DSt 1214:2009 ва 1215:2009 давлат стандартларига мувофиқ қайта ишланади.

14. Маълумотларни қайта ишлаш технологиясига доир масалалар ахборот-кутубхона муассасасининг ички тартибга солиш ҳужжатлари билан тартибга солинади.

#### **V. Электрон ахборот-кутубхона ресурсларини жойлаштириш ва сақлаш**

15. Электрон ахборот-кутубхона ресурслари ахборот-кутубхона муассасаларининг серверларида жойлаштирилади.

16. Электрон ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш қўйидагича амалга оширилади:

ахборот манбаларидаги локал электрон ахборот-кутубхона ресурслари ахборот-кутубхона фондида сақланади;

ахборот манбаларининг ҳар хил турларида олинган электрон ахборот-кутубхона ресурслари ахборот-кутубхона муассасасининг серверларида жойлаштирилади ва сақланади;

локал ва тармоқ ахборот-кутубхона ресурслари сифатида фойдаланиладиган электрон ахборот-кутубхона ресурслари серверларда жойлаштирилади ва сақланади. Ахборот-кутубхона ресурслари маълумотларининг мажбурий нусхаси ахборот-кутубхона фондида ахборот манбаларида сақланади;

ўчирилган электрон ахборот-кутубхона ресурслари ҳуқуқ эгаси бўлган ташкилотларнинг серверларига жойлаштирилади.

17. Электрон ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш, зарарли дастурий таъминлашдан ва рухсат берилмаган нусха кўчиришдан ҳимоя қилиш тармокнинг умумий хавфсизлик механизмлари билан таъминланади.

#### **VI. Электрон кутубхона фаолиятини ташкил этиш**

18. Электрон кутубхона ишига раҳбарлик қилиш ахборот-кутубхона муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади.

19. Ахборот-кутубхона муассасаси раҳбари:

электрон кутубхона ишини мувофиқлаштиради;

электрон кутубхона ишини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қилади, бошқа ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон кутубхоналари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

электрон кутубхона иши учун масъул бўлган ходимларнинг малакасини ва касбий савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

20. Электрон кутубхона ишини ахборот билан, ҳуқуқий ва моддий-техник таъминлаш ахборот-кутубхона муассасасининг таркибий бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **VII. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақдим этиш**

21. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақдим этиш «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ҳамда кутубхоналарда  
тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш  
РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
<b>I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш</b>					
1.	Йиғма электрон каталог республика маркази, йиғма электрон каталог секторлари ва ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаш секторлари (электрон шаклга ўтказиш) фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: Электрон каталог тўғрисида низом; Йиғма электрон каталог тўғрисида низом.	Низом	2011 йил IV чорак	—	Махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
2.	Ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш ва уларни ахборот-кутубхона муассасаларига етказиш учун уларни танлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.	Йўриқнома	2011 йил III чорак	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона
3.	Ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга босқичма-босқич ўтказишни аниқлаш мақсадида ахборот-кутубхона муассасалари фондлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва тизимлаштириш.	Ахборот-кутубхона ресурслари рўйхати	2011 йил III чорак	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
4.	Йиғма электрон каталогни шакллантириш учун тажриба ахборот-кутубхона муассасалари тармоғини яратиш.	Комплекс тадбирлар	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблағлари ва ҳомийлик маблағлари <b>42,0</b>	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
				2011 йил — 18,0 2012 йил — 6,0 2013 йил — 6,0 2014 йил — 6,0 2015 йил — 6,0	
5.	21 та ахборот-кутубхона муассасаси ҳузурида ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаш секторлари очиш.	Буйруқ	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
6.	Тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш учун танланган ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш.	Жадвал	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
7.	Интеграциялаштирилган ахборот-кутубхона тармоғи фаолият кўрсатиши учун телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш.	Тадбирларнинг комплекс режаси	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблағлари ва ҳомийлик маблағлари <b>1 161,6</b> 2011 йил — 46,08 2012 йил — 286,08 2013 йил — 284,8 2014 йил — 280,32 2015 йил — 264,32	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
8.	Ахборот-кутубхона муассасаларининг тармоқли ўзаро ҳамкорлиги тизимини яратиш.	Техник лойиҳа	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблағлари ва ҳомийлик маблағлари <b>378,0</b> 2011 йил — 75,6 2012 йил — 75,6 2013 йил — 75,6	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
				2014 йил — 75,6 2015 йил — 75,6	
9.	Ахборот-кутубхона муассасаларини ягона интеграциялаштирилган ахборот-кутубхона тармоғига улаш ва ахборот-кутубхона муассасаларида автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини жорий этиш.	Улаш жадвали ва тадбирлар рўйхати	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблағлари ва ҳомийлик маблағлари <b>2 178,0</b> 2011 йил — 86,4 2012 йил — 536,4 2013 йил — 534,0 2014 йил — 525,6 2015 йил — 495,6	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
10.	Ахборот-кутубхона муассасаларининг тўлиқ матнли маълумотлар базаларини йиғма электрон каталогга бириктириш.	Ишлар жадвали	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
<b>II. Тўлиқ матнли ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратишни техник таъминлаш ва йиғма электрон каталогни шакллантириш</b>					
11.	Йиғма электрон каталог республика маркази ва ахборот-кутубхона марказлари (АКМ)-нинг йиғма электрон каталог секторларини жиҳозлаш учун компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари сотиб олиш.	Асбоб-ускуналар рўйхати	2011 — 2015 йиллар	Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ахборот-кутубхона марказларининг бюджетдан ажратиладиган маблағлари доирасида <b>147,0</b> ундан: 2011 йил — 145,8 2012 йил — 0,3 2013 йил — 0,3 2014 йил — 0,3 2015 йил — 0,3	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона
12.	Ахборот-кутубхона муассасаларининг рақамлаш секторларини жиҳозлаш учун сканирлаш, муқовалаш ва қирқиш ускуналари сотиб олиш.	Асбоб-ускуналар рўйхати	2011 — 2015 йиллар	<b>756,0</b> ундан: 2011 йил — 288,0 2012 йил — 144,0 2013 йил — 108,0	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
				<p>2014 йил — 108,0 2015 йил — 108,0 <b>684,0</b> бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида:</p> <p><b>2011 йил</b> Миллий кутубхона — <b>36,0</b>, Халқ таълими вазирлигининг Республика педагогика илмий кутубхонаси — <b>36,0</b>; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси — <b>36,0</b>; Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Тошкент давлат маданият институти — <b>36,0</b>; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс маркази — <b>36,0</b>; Қорақалпоғистон Республикаси АКМ — <b>36,0</b> Андижон вилояти АКМ — <b>36,0</b>;</p> <p><b>2012 йил</b> Бухоро вилояти АКМ — <b>36,0</b>; Жиззах вилояти АКМ - <b>36,0</b>; Қашқадарё вилояти АКМ — <b>36,0</b></p> <p><b>2013 йил</b> Навоий вилояти АКМ — <b>36,0</b>; Наманган вилояти АКМ — <b>36,0</b>; Самарқанд вилояти АКМ — <b>36,0</b>;</p> <p><b>2014 йил</b> Сурхондарё вилояти АКМ — <b>36,0</b>; Сирдарё вилояти АКМ — <b>36,0</b>; Фарғона вилояти АКМ — <b>36,0</b></p>	<p>таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
				<p><b>2015 йил</b>  Хоразм вилояти АКМ — <b>36,0</b>;  Тошкент вилояти АКМ — <b>36,0</b>;  Тошкент шаҳри АКМ — <b>36,0</b>.  2011 йил — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблаглари ва ҳомийлик маблаглари ҳисобига  <b>36,0</b> — Тошкент ахборот технологиялари университети АРМ;  2012 йил — Фанлар академиясининг бюджетдан ташқари маблагларидан  <b>36,0</b> — Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси.</p>	
13.	Йиғма электрон каталогни шакллантириш ва электрон библиографик ёзувларнинг ягона базасини яратиш.	Йиғма электрон каталог	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона
<b>III. Тўлиқ матнли ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш ҳамда йиғма электрон каталогни шакллантириш учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни ўқитиш</b>					
14.	Йиғма электрон каталог республика маркази ва ахборот-кутубхона марказининг йиғма электрон каталог секторлари мутахассисларини тайёрлаш ва уларни йиғма электрон каталогни шакллантириш ишига ўқитиш.	Ўқитиш жадвали	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона
15.	Ахборот-кутубхона муассасалари ҳузуридаги ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаш секторлари мутахассисларини тайёрлаш ва уларни асбоб-ускуналар билан ишлаш бўйича ўқитиш.	Ўқитиш жадвали	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
16.	Ахборот-кутубхона ресурсларини электрон шаклга ўтказиш масалаларига бағишланган семинарлар ва давра суҳбатлари, малака ошириш ва стажировка курслари ташкил этиш ва ўтказиш.	Тадбирлар режаси	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари, млн сўм*	Масъул бажарувчилар
					академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
17.	Ахборот хавфсизлиги ва ахборот-кутубхона ресурслари бутлигини таъминлаш масалалари бўйича ўқитиш, стажировкалар, маҳорат дарслари ташкил этиш.	Тадбирлар режаси	2011 — 2015 йиллар	—	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Миллий кутубхона
	<b>Жами:</b>			<b>4 662,6</b>	

\* Режа-жадвални амалга ошириш бўйича харажатлар «Электрон кутубхоналарни шакллантириш ва интеграциялаштирилган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш» лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоби (ДТИХК) асосида аниқлаштирилади ва уларга тузатишлар киритилади.